



БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ХОТИРЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 30 январь куни Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.



Ўзғажодлари, фидойиларини эъзозлаган халқ ҳамиша ҳурматга сазовор. Афсуски, тарихимизда миллат етакчиларининг тириклигида улугʻланиб, дунёдан ўтганидан сўнг қораланган ҳолатлари ҳам бўлган. Бу кўп жиҳатдан

кейинги авлодларнинг виждони ва мардлигига боғлиқ.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлган биринчи кундан Ислом Каримовнинг эзгу ишлари давом эттирилишини айтган эди, унинг хотирасини абадий-

лаштириш бўйича қарорлар қабул қилди, мақбараси барпо этилди. Биринчи Президентимиз таваллуд топган 30 январь кунини нишонлаш аънаёнага айланди.

“Биринчи Президентимиз Ислом Каримовни қанча эъзозласак,

халқимизга, ёшларимизга маънавият етказган бўламиз”, деган эди Шавкат Мирзиёев.

Бу тadbир ҳам шунинг бир ифодаси бўлди. Қуръон оятлари ўқилиб, дуо қилинди. Ислом Каримовнинг халқимиз

манфаати йўлида қилган ишлари, мардлик, одиллик, камтаринлик ҳислатлари ёдга олинди.

Маросимда Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси ва ҳукумат вакиллари, илм-фан ва мада-

ният намояндалари, зиёлилар, шаҳар жамоатчилиги иштирок этди.

Ислом Каримовнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

ЎЗА

ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИНГ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА ИЛМИЙ МАРКАЗИ БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 январь куни ёшлар, спорт, соғлиқни сақлаш, электр энергияси соҳаларидаги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида спортни оммалаштириш бўйича қатор кўрсатмалар берган эди. Тақдиротидаги лойиҳалар шунинг мантқиқий давоми бўлди.

Мутасаддилар аввалги топшириқларга мувофиқ, бу борада маҳалла ва мактаблардаги шароитлар ўрганилгани ҳақида ахборот берди. Қайд этилганидек, юртимиздаги 9 минг 309 та маҳалладан 763 тасида спорт объекти, 6 мингдан ортиғида кутубхона йўқ. Шунингдек, 10 минг 130 та мактабдан 2 мингдан зиёда спорт зали, 22 тасида кутубхона мавжуд эмас.

Бу жойларда спорт масканлари ва кутубхоналар барпо этиш бўйича 3 хил типдаги лойиҳа тақлифи ишлаб чиқилган. Биринчисида китоб жавонлари ва спорт қурилмалари ўрнатиш, иккинчисида очиқ спорт майдонлари ҳамда учинчисида ёпиқ иншоотлар барпо этиш назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларни маъқулламай, қайта қўриб чиқиш бўйича ўз тавсияларини берди.

— Тасаввур қилинлар: кишлоқларда оддий одамларга нима керак, ёшларга нима керак? Болалар кечқурун нима ўйнайди? Ёши катталар қаёққа бориб суҳбатлашади? Шуларни ўйлаб, халқимиз хоҳишини инобатга олиб, лойиҳа қилиш керак. Масалан, маҳаллада мактаб, стадион бор. Шунинг ёнида сунъий қопламали мини-футбол майдони, баскетбол, стол тенниси, шахмат-шашка учун жойлар ташкил этиш мумкин. Бунга керак ҳамма нарса ўзимизда ишлаб чиқарилапти.

Иккинчидан, шу жойларда кутубхона, компьютерхона, ошхона, ҳаммом курса бўлади. Келгусида шифокор пунктларини ҳам жойлаштириш мумкин. Умуман, бу орқали ҳам хизматлар ривожланади, ҳам одамлар рози бўлади. Ҳар бир маҳалланинг мана шундай иқтисодий, ижтимоий, илмий маркази бўлиши керак, у ерда ҳаёт қайнаши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, лойиҳани такомиллаштириш, маҳалла марказларини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш ва-зифаси қўйилди. Бунинг учун тadbиркорларга имтиёз берилади ва ваззига ижтимоий масъулият юкланади. Куннинг маълум соатлари маҳалла ёшлари учун текинга ажратилади. Эгаси бўлгани учун тadbиркор ҳам даромад топади, мажмуа ҳам қаровсиз қолмайди.

Тақдиротида мактаблар қамровини оширишга оид лойиҳалар кўриб чиқилди.

Маълумки, келгуси беш йилда юртимизда 1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни ташкил этиш зарур. Шу боис, давлатимиз раҳбари янги мактаблар қуриш ва мавжудларининг қувватини ошириш бўйича топшириқ берган эди. Шунга асосан, 330, 660, 990, 1320 ва 1650 ўринли мактаблар лойиҳаси тайёрланган. Бунда қўшимча бино, кўп функцияли зал, санитария-гигиена хоналари қуриш, замонавий лаборатория, интерактив доска, қулай ўриндиқлар билан жиҳозлаш каби барча жиҳатларга эътибор қаратилган.

Давлатимиз раҳбари мутахассислар билан ҳар бир мактабнинг асоси ва девори ҳолатини ўрганиб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

— Буни нима учун айтаяпман? Иложи бори-ча, ҳозирги мактабларнинг ўзини кенгайтириш керак. Чунки болалар ҳам, ўқитувчилар ҳам ўша жойга ўрганган. Маҳалланинг ўртасида бошқа буш ер йўқ. Чеқка жойдан курсак, бориб-келишга транспорт керак, болалар қатнашга қийналади. Шунинг учун мактабларнинг ўзига қўшимча қават ёки ёнидан бино қуриш мақсадга мувофиқ, — деди Президент.

Ҳолатига қараб, ҳар бир мактабга алоҳида ёндашиш, аҳоли демографиясини инобатга олиб, қаерда неча қаватли бино қуришни ҳисоб-китоб қилиш бўйича топшириқ берилди.

Шавкат Мирзиёев ўтган йили онкология тиббиёт маркази лойиҳаси билан бир неча бор танишиб, қатор топшириқлар берган эди. Бугун шу бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Марказ биноси 10 қаватли, 650 ўринли бўлади. 16 та жарроҳлик хонаси, 45 беморга мўлжалланган реанимация хонаси, даволаш

ва ташхис бўлимларини ўз ичига опади. Шунингдек, кунига 100 кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга стационар фаолият юритади. Бугунги кунда бионинг пойдеворини тайёрлаш бошланган.

Давлатимиз раҳбари марказни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, бунда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш, кадрлар малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдиротида электр энергияси қувватларини кенгайтириш чора-тадбирлари ҳам муҳокама қилинди.

Маълумки, шу йил 25 январь куни минтақамиз электр таъминотида техник узилиш содир бўлди. Бу барча электр станцияларга таъсир қилиб, фавқулодда вазият юзага келди.

Бунга бир қанча сабаблар бор. Жумладан, ягона энергетика тизими 220-500 киловольтли магистрал электр тармоқлар орқали тўлиқ халқалаштирилмаган. Шимоли-Ғарбий ва Жануби-Ғарбий энергоўзелнинг асосий қисмида 500 киловольтли тармоқлар йўқ. Баъзи магистрал тармоқлар қўшни давлатлар ҳудуди орқали ўтган.

Шу боис, мамлакатимизда 500-750 киловольтли тармоқларни қуриш орқали ягона халқа тизимини ҳосил қилиш режалаштирилмоқда. Хусусан, 2026 йилга бориб, жами генерация қувватларини 27 минг 400 мегаваттга, йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 110 миллиард киловатт соатга етказиш мўлжалланган. Шунда юртимизнинг барча ҳудудлари 500-750 киловольтли тармоқлар орқали мустақкам боғланади ва бир бутун тизим яратилади.

Президентимиз электр энергияси тизимини ислоҳ қилиш, қўшни давлатлар билан соҳадаги ҳамкорликни давом эттириш ва ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Электр энергияси қувватларини ошириш ҳамда уни етказиб беришни автоматлаштириш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлашга кўрсатма берилди. Бундан асосий мақсад электр энергияси тизимини барқарор қилиб, хавфсизлигини мустақкамлаш, халқимизни бу муҳим манба билан узлуксиз таъминлашдир.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРДА
ФУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ
ҲУҚУҚЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ҲИМОЯ
ЭТИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА АҲОЛИНИНГ
СУДЛАРГА БЎЛГАН ИШОНЧINI ЯНАДА ОШИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда суд тизимини демократлаштириш, судлар фаолияти шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришга қаратилган салмоқли ишлар бажарилди.

Олий суднинг расмий веб-сайтида барча суд қарорлари доимий равишда эълон қилинмоқда, судлар ўз қарорларининг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириб келмоқда, суд раислари ҳар чорақда оммавий ахборот воситалари билан брифинглар ўтказмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролар ва тadbиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва

тadbиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш зарур бўлиб ҳисобланади.

Жамиятда маъмурий судларга бўлган ишонч-ни янада ошириш мақсадида давлат органлари томонидан суд қарорлари ижро этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш талаб этилади.

Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тadbиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида:

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ТИЗИМ — АМАЛДА

“ПРЕЗИДЕНТНИНГ
МАҲАЛЛАМИЗДАГИ
ВАКИЛИ”

Юқори овул аҳли ҳоким ёрдамчиси
ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани Юқори овул маҳалласига кириб борганимизда кўёш кўкка кўтарилган, теварак-атрофда ҳаёт жонланган эди. Кимдир ишга, кимдир зарур юмушига, яна биров бозор-ўчарга отланган, оилаларда ҳам рўзгор, томорқа ишлари қўр олгани ховлилар девори оша таралаётган товушлардан билиниб турарди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРДА ФУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ
ҲУҚУҚЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ҲИМОЯ ЭТИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА АҲОЛИНИНГ СУДЛАРГА
БЎЛГАН ИШОНЧINI ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

1. Маъмурий судларнинг **биринчи навбатдаги вазифаси** фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда **улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш** ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олий суд Судьялар олий кенгаши ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **давлат органлари қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантиришга қаратилган** қуйидаги тартибларни процессуал қонун ҳужжатларида белгиланишини таъминласин:

маъмурий суд ишларини юритишни **“суднинг фаол иштироки”** тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса **далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга** шaroит яратиш;

ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган **зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқини**

тақдим этиш ҳамда бундай талабларни кўриб чиқишни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш; маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан **суд жарималарини қўллаш**;

оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида **ярашувга эришиш** механизмларини жорий қилиш.

3. **Жамиятда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш** мақсадида мазкур қарорнинг 2-бандига асосан процессуал қонун ҳужжатларида белгиланаётган тартиблар доирасида қуйидагилар назарда тутилсин: тарафларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича **келишув битимини тузиш ҳуқуқини** бериш; давлат органлари ёки ташкилотлари оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорини у қонуний кучга кирган кундан бошлаб **бир ой давомида ижро қилиш** ҳамда бу ҳақда маъмурий судга хабар бериш;

давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича суд ҳужжати ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан **суд жаримасини қўллаш**;

давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорининг тақдирини ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан **дастлаб қўлланилган суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш**.

4. Олий суд ва Судьялар олий кенгашининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш бўйича иш юритишни тугатишни тақиқлаш, бунда **даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни уларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш**;

маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қароридан аниқланган ҳолатлар бошқа ишни кўраётган фуқаролик ишлари бўйича суд учун **мажбурий ҳисобланишини** белгилаш;

бир суд иши доирасида баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир неча талабни **бирлаштиришни тақиқлаш**.

5. Олий суд, Судьялар олий кенгаши: манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой мuddатда** фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ходимларини **маъмурий судлар фаолияти ва уларнинг жамиятда қонунийлигини таъминлашдаги роли** билан батафсил таништириш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи **“Йўл харитаси”** тасдиқлашни ва изчил амалга оширилишини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой мuddатда** маҳаллий ижро ҳокимияти органлари биноларининг фуқаролар қабули учун ажратилган махсус жойларида **маъмурий судларнинг ижро органлари фаолиятида қонунийлигини таъминлашдаги ўрни** ва улар томонидан **кўриладиган ишлар** ҳақида тушунтириш берадиган баннерларнинг кўринарли қилиб жойлаштирилишини ҳамда ижтимоий роликларнинг доимий асосда намоиш этилишини;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокomпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда **маъмурий юстиция, унинг аҳамияти ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали ҳуқуқий механизм ҳисобланиши** бўйича тематик курсатувлар ҳамда ижтимоий роликларнинг доимий равишда намоиш этилишини таъминласин.

6. Олий суд манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой мuddатда судлар томонидан даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни уни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш бўйича

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини;

уч ой мuddатда оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш бўйича ижобий халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини;

бир ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларнинг киритилишини таъминласин.

7. Олий суд Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой мuddатда** ҳозирда фуқаролик ишлари бўйича ҳамда иқтисодий судлар томонидан кўриладиган оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган барча ишларни, шу жумладан, акцептсиз тартибда ундирилмаган ижро ҳужжати устидан шикоят қилиш билан боғлиқ ишларни маъмурий судлар тааллуқчилигига ўтказиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясиغا киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари 3.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 29 январь

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Инсон қадрини эъозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш демократик жамиятнинг муҳим мезони ҳисобланади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда бу йўналишда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жамиятимизнинг барча соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш ва халқимизни рози қилишда юксак самаралар бераётир.

ЭЗГУ НИЯТЛАР БИЛАН
МАРРАНИ БАЛАНД ОЛГАНМИЗ
бу йўлда одамларни рози қилиш бош мақсадимиз бўладиАхтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари

Давлатимиз раҳбари ўтган йилги Президент сайловида “**Инсон қадри учун**”, “**Давлат — инсон учун**”, деган ғояларни илгари сургани бу борадаги ишларга янгича руҳ бағишлади. Ушбу улуғвор ғояларни ҳаётга татбиқ этишда аҳолининг фикр ва таклифлари асосида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу дастурий ҳужжатда ақин ва ўрта истиқболда мамлакатимизнинг ривожланиш тенденциялари қандай бўлиши, бу борадаги устувор вазифалар ўз аксини топган. **“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари”**, деган тамойил асосида ислохотларнинг эътибори ва давомилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. 7 та устувор йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат Тараққиёт стратегияси жамиятимизнинг ҳар бир қатламида, барча ҳудудларда катта қизиқиш билан муҳокама этилгани аини муддао бўлди. Чунки очиқ муҳокамалар жараёнида аҳолидан 17 мингдан зиёд таклифлар олинган. Улар таснифланиб ва умумлаштирилиб, дастур лойиҳаси 300 дан ортиқ ташаббус билан тўлдирилган.

Тараққиёт стратегиясини жорий йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастурида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбир кўзда тутилган. Демак, барча саъй-ҳаракатлар ва маблаглар ҳар бир маҳаллага аниқ етиб бориши, оилалар фаровонлигини оширишга хизмат қилиши лозим. Йиғилишда қўйилган алоҳида вазифалар қўйилдики, уларнинг ижросини таъминлашда барча даражадаги раҳбарлар,

жумладан, депутатлар ҳам фаол ва ташаббускор бўлиши керак.

Бугун эскича ёндашувлар, услублар билан ишлаб бўлмаслиги барчага аён. Тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиёт ҳажмини 2,5 баробар кўпайтириб, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 500 миллион долларга етказиш белгилангани мамлакатимизнинг бу йўналишда илгор давлатлар сафида бўлишини таъминлайди.

Стратегияда белгиланган вазифалар билан танишар эканмиз, унинг ҳар бир бандида юртимизда яшаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий қадрият этиб белгиланганига, бу миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб беришига ишончимиз ошади. Мазкур ҳужжат **“инсон — жамият — давлат”**, деган янги тамойил асосида ишлаб чиқилгани алоҳида эътиборга молик.

Мазкур ҳужжатда иқтисодиёт тармоқларини комплекс ва жадал ривожлантириш, замонавий иш ўринлари яратиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича қўллаб қоратдбирлар белгиланган. Хусусан, келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард доллардан ошириш мақсад қилинган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,4 баробар кўпайтириш ва камбағаллик даражасини камда 2 баробар қисқартириш режалаштирилган.

Янги Ўзбекистон стратегиясида аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларнинг давлат ҳисобидан маалаки касб-хунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида ижтимоий хизматларнинг сифати яхшиланади, қўламини кенгайтирилади.

Аниқ йўналдирилган манзилли чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳаётий тажрибада исботланган. Шу маънода шароити “огир” бўлган 14 та туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун пасайтирилган солиқ ставкаларини ўрнатиш мўлжалланаётгани аини муддаоир.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши мўлжалланаётган ислохотлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилгани билан алоҳида эътиборга молик. Шунинг учун бу борада деҳқон ва фермерлар даромадини камда 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камда 5 фоизга етказиш мақсади қўйилляпти.

Сув ресурсларини бошқариш тизими тубдан ислох қилиниши ва сувни тежаш бўйича алоҳида давлат дастурининг бажарилиши эса, агар соҳа вакиллари меҳнати самарадорлигини янада оширади. Мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини ҳажми ва иссиқхоналар сонини кескин кўпайтиришга ҳам эътибор берилган.

Мухтасар айтганда, эзгу ниятлар билан маррани баланд олганмиз. Одамларни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш борасидаги ишлар янада қизгин ва жадал тус оляпти. Янги, демократик жамиятни барпо этиш, келажақ пўйдеворини қуриш, ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиздан қатъиятли ва ташаббускор бўлишни, янгича фикр юритиш, янгича ишлашни талаб этмоқда.

Бобур БЕКМУРОДОВ,
“Юксалиш” умуммиллий
ҳаракати раиси

Хабарингиз бор, Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳалари 15 кун давомида бир қатор электрон платформалар орқали кенг жамоатчилик ўртасида қизгин муҳокама қилинди, юрдошларимиз томонидан турли таклифлар билдирилди.


Шу жумладан, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг jamoatchilik.uz веб-сайтига муҳокамага қўйилган даврдан то 15 январга қадар жами 1 минг 148 та таклиф келиб тушди. Бунда фуқаролар томонидан Тараққиёт стратегиясида назарда тутилган чора-тадбирлар ва илгари сурилган ташаббуслар қўллаб-қувватланиб, ижобий фикр-мулоҳазалар қолдирилди. Хусусан, юрдошларимиз Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизими вакилларининг иш ҳақларини ошириш ҳамда уларнинг малакасини баҳолаш бўйича адолатли ва шаффоф тизим жорий этиш, пенсияни тайинлашда базавий қиёбашлаш миқдорини ошириш, пенсия стажига қўшилидиган болани парварিশлаш таътилида бўлиш вақтини 6 йилгача етказиш ва ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни иш стажига қўиш каби муҳим масалаларни қизгин қўллаб-қувватлаб, юқори баҳолади.

Жойлардан келиб тушган таклиф ва изохларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролар томонидан асосан, маҳаллаларда ижтимоий сиёсатни кучайтириш, таълим, бандлик, пенсия таъминоти, кўчмас мулк ва одил судлов каби масалалар бўйича таклифлар билдирилди. Хусусан, маҳаллаларда “Иш марказлари”ни ташкил этиб, ишсизлик муаммоси билан мунтазам ишлайдиган тизим яратилиши,

“ХАР БИР МАҲАЛЛАДА ТИЛ ЎҚИТИШ МАРКАЗЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТГАН ФУҚАРОЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, “ЭНГ ФАОЛ ТАКЛИФ ЮБОРГАН МАҲАЛЛА”, “ЭНГ КўП ТАКЛИФ БИЛДИРГАН ФУҚАРО”, “ФАОЛ ФУҚАРО” КАБИ ТАНЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ.

вақтни тежаш учун ҳар 15 кунда маҳаллада ҳокимлар, сектор раҳбарларининг онлайн қабулини ўтказиш, маҳалла раисининг йилига камида 4 мартаба фуқароларга ўз фаолияти тўғрисида ахборот бериб бориши механизмини ишлаб чиқиш, нафақа пулига маҳалла тизимини ара-лаштирмасдан онлайн ёки ягона дарча орқали ҳужжатларни тақдим этишни йўлга қўйиш каби масалалар илгари сурилди.

Шунингдек, ҳар бир маҳаллада тил ўқитиш марказларини ташкил этиш, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этган фуқароларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш, “Энг фаол таклиф юборган маҳалла”, “Энг кўп таклиф билдирган фуқаро”, “Фаол фуқаро” каби танловларни ўтказиш таклиф этилди.



Бундан ташқари, ҳар бир маҳалланинг географик жойлашуви, иқтисодий ва ижтимоий ўсиш имкониятларидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролари иштирокида уларнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, маҳаллаларда аҳолининг ҳар бир масала бўйича ижтимоий кайфиятини ўргатувчи социологик сўровнома ўтказиш амалиётини жорий қилиш масалаларини кўриб чиқиш таклиф қилинган.

Муҳокамаларда фуқаролар таълим тизими-га оид қатор ташаббуслар билан чиқди. Жумладан, мактабларда директор ва унинг ўринбосарлари лавозимига номзодлар ҳар уч йилда халқ депутатлари Кенгаши томонидан тавсия этилиши, халқ таълими тизимининг туман бўлиналари фаолиятини тўлиқ рақамлаштирган ҳолда, босқичма-босқич тугатиш ва тежалган маблагларни мактаб ўқитувчиларининг ойлигини оширишга қаратиш лозимлиги, барча мактабларни куёш батареялари ёрдамида электрлаштириш орқали уларни узлуқсиз электр билан таъминлаш, электргга кетадиган харажатларни бошқа йўналишларга сарфлашни йўлга қўйиш зарурлиги айтилди.

Тараққиёт стратегияси дастлаб лойиҳа сифатида эълон қилинганда 94 та мақсад қўзланган эди. Муҳокамалар натижасида ушбу мақсадлар сони 100 тага етди. Бу борада пенсия таъминоти, ногиронлиги бўлган шахсларни

қўллаб-қувватлаш, гендер тенглигини таъминлаш, кино санъатини ривожлантириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, экологияни асраш билан боғлиқ аниқ мақсадлар қўшилди.

Жамоатчилик фикри асосида яна кўплаб муҳим масалалар қўшимча равишда киритилди. Хусусан, маҳаллий Кенгашларнинг қотибятлари фаолиятини янада кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, чекка ҳудудларда мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасаларига транспорт катновини йўлга қўйиш, мактабларда директор ва унинг ўринбосарларини тайинлаш тизимини ўқитувчилар ва ота-оналарнинг иштирокини назарда тутган ҳолда, янада такомиллаштириш, тажриба-синов натижаларига кўра, бошланғич синф (1-4-синф) ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш тизимини кенгайтириш масаласини кўриб чиқиш, аҳолини тиббий суғурталаш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш каби масалалар аҳоли таклифлари асосида алоҳида акс эттирилди.

Бундан ташқари, белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда жамоатчилик назоратига алоҳида уруғ қаратилди. Бунда Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган мақсадларга эришилганлиги даражасини баҳолаб бориш мақсадида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат йиллик муқобил ҳисоботлар тайёрлаб борувчи **Мустақил мониторинг ва баҳолаш жамоатчилик гуруҳининг** ташкил этилиши муҳим жиҳат, дея айта олам.

Шу билан бирга, айнан жойларда, маҳаллаларда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, экспертлар ва маҳалла фаолларидан иборат **Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик гуруҳларини** ташкил этиш ва улар иштирокида тизимли равишда жамоатчилик эшитувларини ўтказиб бориш белгиланган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Тараққиёт стратегиясини амалга оширишда халқ — ислохотлар ташаббускорли бўлиши лозимлиги нуктаи назардан фуқаролар томонидан кўтарилаётган ташаббусларни умумлаштирган ҳолда, фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиб, жамоатчилик лойиҳаларини илгари суришдек муҳим вазифа олдимизда турибди. Барча ҳаракатларимиз **“инсон — жамият — давлат”** деган янги тамойилга қаратилади.

ЯНГИ ТИЗИМ — АМАЛДА

“ПРЕЗИДЕНТНИНГ МАҲАЛЛАМИЗДАГИ ВАКИЛИ”

Юқори овул аҳли ҳоким ёрдамчиси ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда

▶ Бошланиши 1-бетда

Бу ҳудудга келишдан мақсадимиз тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича Юқори овул маҳалласига тайинланган ҳоким ёрдамчиси фаолияти билан яқиндан танишиш эди. Ҳоким ёрдамчисини маҳалланинг ички кўчаларидан бирида иш устида учратдик. Урта ёш, очик чеҳра, юз-кўзидан шиддати-шижоати акс этиб турган бу аёл Комила Жуманазарова экан. У маҳалла оқсоқоли Турдиқул Ашурматов ва ун чоғли маҳалла фаоллари билан қандайдир масалани муҳокама қиларди. Шу пайт кўча бошидан трактор кўриниб одамлардан сал нарида тўхтади. Маҳалла аҳли тележкага ортилган шағални тушириб, кўча бўйлаб ёйишга киришди, ҳаш-паш дегунча ўйдим-чўқур йўл тартибга кела бошлади.

Турдиқул Ашурматовнинг айтишича, Юқори овул маҳалласидаги 510 та хонадонда 3 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Маҳалла ҳудудида мактаб, боғча ва бир нечта хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият юритади. Аҳоли асосан, томорқа ва деҳқончилик ортидан тирикчилик қилади.

Бешик ясайдиган, тунукасозлик билан шуғулланадиган хунарамдлар ҳам талайгина. Аёллар чеварликнинг ҳадисини олган.

— Кунига 10-15 та мурожаат келиб тушади, — дейди Т.Ашурматов. — Уларнинг аксарияти оилавий-маиший масалалар билан боғлиқ. Оилаларга кириб, мурожаатларни ўрганганимизда келишмовчиликларнинг аксарияти иқтисодий тақчиллик ортидан эканига

ғувох бўламиз. Шу маънода, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси фаолият бошлагани маҳалла фаолларига катта кўмак бўлди. Ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун йил бошидан кизгин иш бошладик. Умуман, ҳоким ёрдамчиларига аҳоли катта умид билан қарамоқда, уларни “Президентимизнинг жойлардаги вакиллари”, деб атаётганида ҳам шу умид ва катта ишонч ҳисси бор. Бу, ўз навбатида, улкан масъулият ҳамдир.

Ҳоким ёрдамчиси қандай салоҳиятга эга?

Аҳоли катта умид ва ишонч билдираётган ҳоким ёрдамчиси ким? У ўз зиммасига юкланган вазифа ва тадбирларни амалга ошириш учун етарли тажриба ва салоҳиятга эгами? Ана шундай саволларимизга жавоб топиш учун ҳоким ёрдамчиси Комила Жуманазарованинг фаолиятини ўргандик.

1994 йилда Ангрен педагогика коллежини битирган Комила 15 йил мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи Ҳакимжон Жуманазаров 1999 йилда фермер ҳўжалиги ташкил этиб, иш бошлаган. Афсуски, юрак хасталигига чалиниб, оғир операцияни бошидан ўтказган. Уша пайтда оиланинг тўнғич фарзанди 11, кенжаси 5 ёшда эди. Фермер ҳўжалигидаги ишларни юртишга оила бошлиғининг соғлиғи тўғри келмай қолади. Шундай синовли кунларда Комила оила ва ҳаёт таъминини елкасига олиб, бу синовда нафақат кучли, иродали инсон эканини, балки яхшигина тадбиркорлик салоҳияти борлигини ҳам намоён этди. Бугунги кунда у бошқараётган фермер ҳўжалиги 176 гектар ер майдонига эга. Ҳар йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил йиғилади. Бундан ташқари, кўп тармоқли фермер ҳўжалигида чорваси ҳам бор, 45 киши доимий иш билан банд. Қишлоқ ҳўжалигида янги агротехнологияларни, томчилаб сўғоришни жорий этиб келмоқда.

Комила сўнги йилларда тадбиркорлик ривожини учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, “Томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини бошлади.

Тини ҳам йўлга қўйди. Бу йўналишда аҳолига томорқада иссиқхона қўриб, тадбиркорлик қилиш, ундан унумли фойдаланиш бўйича маслаҳатини аямай, сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Икки йил аввал маҳаллада яна бир янги тадбиркорлик субъекти — хусусий мактабгача таълим муассасаси ҳам ташкил этди. Ҳозирда бу ерда 50 нафар кичиктой тарбияланмоқда. Уларга 5 нафар малакали педагог хорижий тиллар ва мактабга тайёрлов курсларидан сабоқ беради.

Бу орада турмуш ўртоғи Ҳакимжон ҳам хасталикдан тузалиб, соғлом ҳаётга қайтди. Фарзандларининг тўнғичи Достонбек Тошкент давлат техника университетида, қизи Фарзона Тошкент

педиатрия тиббиёт институтида ўқийди. Кенжатоғи Фарангиз мактаб ўқувчиси. Хуллас, Камола Жуманазарова 46 ёшида ҳаётда, ишда, тадбиркорликда яхшигина муваффақиятларга эришган бахтиёр замондошларимиздан бири.

Ундан ютуқларининг сири ҳақида сўраганимизда ҳаммасига орзу қилиш, интилиш, ҳалол меҳнат ортидан эришганини, қийинчиликда сабрли, бойликка эришганда саховат ва меҳрли бўлиш шиори эканини таъкидлади. Шундай инсоний хислатлари унинг маҳаллада обрў-эътибор қозониши баробарида, ҳоким ёрдамчисидек масъулиятли вазифага тайинланишига ҳам туртки бўлгани шубҳасиз.



Амалий ишлар бошлаб юборилган

Комила Жуманазарова маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси институти жорий этилаётгани, ўзининг номзоди ҳам бу лавозимга тавсия этилганини эшитиши билан оқ иш режасини тайёрлашга киришди. Зеро, ҳар бир ишда кўзланган натижага эришиш учун режа пишиқ-пухта ва мукамал бўлиши ишнинг ярим муваффақиятини таъминлаши унга яхши маълум. Вазифага тайинланиши биланоқ ишни маҳалла ва оилаларни ўрганишдан бошлади.

— Оилаларга кириб борар эканман, тўғриси, ўзим яшаб турган маҳалла ҳақида, оилалар ҳақида, одамларнинг қизиқиши ҳақида деярли маълумотга эга эмаслигини англаб етгилман, — дейди у. — Ҳатто қайси оилада ногирони борлигидан, уларнинг ташвишидан беҳабарлигимдан хижолат ҳам тортаман. Одамларнинг оилавий шароитини, қизиқишини ўрганиб, уларнинг орзу-умиди катта, янгица ишлашга иштиёқи бандан эканига ғувох бўлялман. Улардан тўшаётган таклиф ва ғоялар ишни тўғри режалаштириш, янги-янги лойиҳаларни амалга оширишга туртки бўлмоқда.

Тошкент ва Фарғона водийсини боғловчи катта йўл бўйида жойлашган маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай имконият мавжуд. Йўл бўйида жойлашган хонадонларда хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, савдо нуқталарини ташкил этиш мумкин. Аммо ҳамма ҳам тадбиркор бўлавермайдилар. Тадбиркорлик истагида бўлганларнинг эса имконияти йўқ. Ҳоким ёрдамчиси бу икки жиҳатни мувофиқлаштириш йўлини излади. Тадбиркорлик қилиш истагидига маҳалладошларига йўл ёқасида жойлашган ҳовлилардан ерни ижарага олиб бериш режасини тузди. Бу маҳалладошларига ҳам маъқул келди.

Охириги йилларда эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам сифатида тикув машиналари берилган, аммо кўпчилик ундан унумли фойдаланмаяпти. Тадбиркорлик қилиш ниятида бўлганлардан бирига шу тикув машиналарини бир жойига жамлаб иш ташкил этиш бўйича тавсия берди. Тайёр маҳсулотни сотиб оладиган харидор ҳам топди. Бундан иш юритувчи ҳам, машина эгалари ҳам манфаат кўради. Шу боис, бу таклиф ҳам аҳоли томонидан қўллаб-қувватланди ва ҳозирда амалий ишлар бошланган. Маҳалладаги ишчиларга моддий ёрдам тариқасида берилган инкубаторлардан ҳам шундай усулда фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш мумкин.

Маҳаллада бешиқсозлик, сандиқсозлик билан шуғулланадиган оила бор. Уларнинг ишлаб чиқариш цехи маҳалладан олисда жойлашган. Ҳоким ёрдамчиси бу тадбиркор оиллага маҳалладан жой ажратиб, шу ерда цех ташкил этишни таклиф қилди. Бу тадбиркорга маъқул келди. Ҳозирда цех учун бино қурилган, яқин кунларда жиҳозланиб, иш бошлаш арафасида. Ушбу цех ишга тушса, янги иш ўринлари ҳам очилади.

Тунукасозлик билан шуғулланадиган яна бир оила аъзолари яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди. Уларга Охангарондаги металл



ишлаб чиқарадиган корхона билан ҳамкорликда ишлаш йўл-йўриғи кўрсатилди. Эндиликда бу тадбиркор оила фаолияти ҳам кенгайиши кўзда тутилмоқда.

Маҳалла ҳудудида чорвачиликка ихтисослашган тадбиркорлар фаолият юритади. Улардан бири — “Мархабо” МЧЖда ҳозирда минг бош зотдор қўй ва қорамол парваришланаяпти. Бироқ бу корхонанинг экин майдони йўқ, чорва учун озуқа сотиб олинади. Агар шу борада тадбиркорга ёрдам берилса, у келгусида фаолиятини кенгайтириши, янги иш ўринлари яратиши мумкин. Ҳоким ёрдамчиси ушбу корхона фаолиятини ўрганиб, уларга ер майдони ажратиш бўйича тумандаги тегишли ташкилотлар билан иш олиб бормоқда.

— Маҳалламизда ва унга туташ ҳудудда сутни қайта ишлайдиган корхона йўқ, — дейди К.Жуманазарова. — Агар ушбу тадбиркорлар қўллаб-қувватланса, ана шундай янги қувватларни ташкил этиш мумкин. Бу аҳоли учун ҳам қулай бўлади. Чунки маҳалламиз аёллари сигир сутини сотиш учун Тошкентдаги “Қўйлик” деҳқон бозорига қатнайди. Келгусида маҳалламизда сутни қайта ишлайдиган корхона қуриб, сутни хонадонлардан сотиб олишни йўлга қўйишни режалаштирялмиш. Парранда туҳумини ҳам уйдан сотиб олишни йўлга қўймоқчимиз.

Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиғи ишлаб чиқаришида деҳқон ҳўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида фуқароларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер ижарага берилди. Маҳалла аҳолиси учун ажратиладиган ушбу ер майдонидан фойдаланишда ҳам ҳоким ёрдамчиси ишбоши бўлмоқчи. Чунки юқори ҳосил олиш учун ернинг тилини яхши тушуниш, агротехника қоидаларига амал қилиш лозим. Агар бир далага ҳар хил экин экилса, унга ишлов беришда қийинчилик туғилади, натижада қутилган ҳосил олишга эришиб бўлмайди. Аксинча, бир хил экин экилиб, ўз вақтида ишлов берилса, мўл ҳосил олиш мумкин. Ҳосилни сотиб оладиган харидорни ҳам даланинг бошига олиб келиб, шу ернинг ўзида олди-сотди қилса бўлади. Ҳоким ёрдамчиси бу борада маҳалладошларига биринчи экинга жўхори, такрорий экинга картошқа ёки бодринг экишни тавсия қилиш режасини тузиб қўйган. Ҳосилга харидорлар ҳам тайин.

— Бугун ишлайман, турмушимни яхшилаيمان, деган одам учун ҳамма шароит бор, иш излаб олиш юртларга кетишга ҳожат қолмади, — дея суҳбатни давом эттиради Комила. — Юртдошларимиз ҳам бу имкониятлардан тўғри фойдаланишга интилаётганидан қувонаман. Масалан, бизнинг маҳалламизда хорижда ишлайдиганлар кескин камайди, ҳамма ўз оиласи бағрида, фарзандлари олдида бўлишни истади. Бизнинг вазифамиз эса, юртдошларимизга бу борада зарур шароит яратиш, жойларда янги-янги иш ўрни очиш, тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашидир.

Маҳалла шаҳарчага айланмагунча ҳаракатдан тўхтамайди

Юқори овул маҳалласи аҳлини қийнаб келаятган муаммолар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири тоза ичимлик суви масаласи. Хонадонларнинг барчаси ер ости артезиан сувидан фойдаланади. Сувни чуқуқлаштириш учун махсус қурилма ўрнатишга ҳамманинг ҳам имконияти йўқ. Маҳалла фаоллари бир неча йилдан буён водопровод сувини тортиб келиш масаласини туман ҳокимлигига қўтариб чиқмоқда, лекин натижа бўлмапти. Энди аҳолининг умиди ҳоким ёрдамчисидан. У бу масалани ҳал этишни ўзининг биринчи галдаги вазифаларидан бири сифатида белгилаб олган.

Маҳалла кўчаларини ободонлаштириш, симёғочларни янгисига алмаштириш, кўчаларни ёритиш ҳам муҳим. К. Жуманазарова бу борада тегишли туман ташкилоти билан ҳамкорликда битта катта кўчани ёритишга эришди. Бошқа кўчаларни ҳам ободонлаштириб, ёритиш тизимини ишга тушириш режалаштириляпти. Бу борада ҳоким ёрдамчиси маҳалла шаҳарчага айланмагунча ҳаракатдан

тўхтамаслиқни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйган.

Шу билан бирга, оиласида ногирон фарзанди бор хонадонларга кўмак бериш, имконияти чекланган инсонларнинг ҳаётдан ўз ўрнини



эгаллашига кўмаклашишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ишларга аҳолининг ҳам қизиқиши борган сари ортмоқда, ҳоким ёрдамчисининг оилаларга ташрифини одамлар катта қизиқиш билан кутиб олмақда. Маҳалла идорасига уни йўқлаб келувчилар ҳам кўпайиб бораётир.

Аҳоли мурожаатлари кўпайиб бормоқда

Комила Жуманазарова билан ҳудудни айланиб маҳалла биносига қайтганимизда, уни 2-3 киши қўлиб турарди. Улардан бири Феруза Уролова моддий ёрдамга муҳтож бўлгани учун бола пули олишга ҳужжат топширган. Бироқ фермер ҳўжалигида масъулий ишлаётгани сабабли меҳнат дафтарчаси юритилмаган, натижада моддий ёрдам олишдан маҳрум бўлиб қолаётган экан. Ҳоким ёрдамчиси масалани жойида ҳал қилиш учун Феруза ишлаётган фермер ҳўжалиғи раҳбари билан боғланди. Фермер бу аёлни доимий ишга олиб ҳўжатларини расмийлаштириб беришга ваъда берди.

Аёл ийманибгина яна бир муаммосини ечишда кўмак сўради. Маълум бўлишча, икки йил аввал сигирини далада ўтлатиб қайтаётганида қўшни маҳалладан бир қишлоқнинг машинасини туртиб, шикаст етказган. Ҳайдовчи машинани таъмирлашга кетадиган харажатни қоплаб беришни

талаб қилган, аёл бунга имкони йўқлигини айтгач, “ишни тўғирлаш учун керак бўлади”, деб Ф.Уролованинг паспортини олиб кетган. Орадан шунча вақт ўтса-да, қайтариб бермаётган экан. Аёл бир кун инсофга келиб қолар, деб шу чоққача бу ҳақда ҳеч кимга гапирмаган. Ҳоким ёрдамчиси маҳалла оқсоқоли билан фикрлашиб, қўшни маҳаллалик ҳайдовчининг уйига борди, тушунтириш ишлари олиб борилгач, муаммо ҳал бўлди.

Айни пайтда аҳоли орасига тобора чуқур кириб бораётган ҳоким ёрдамчисига бу каби мурожаатлар кўпайиб борапти. Хонадонларга кириб борилганда аҳолидан қўллаб-қувватлаш тушиб, бу ташаббуслар янги-янги лойиҳаларга асос бўлмоқда. Табиийки, бу халқимизнинг бугунги кунда жамиятимизда олиб борилаётган ислохотларга катта умид билан қараётганини ҳам бу жараёнда фаол иштирокчига айланишга интилаётганини англатади.

Унутилмас учрашув

Инсон ҳаётида қувончли кунлар, хотирага муҳрланган қонданган воқеалар кўп бўлади. Комила Жуманазарова яқин ўтган кунларни шундай ҳаяжон билан эслайди. Сабаби, ўтган йили декабрь ойида Президентимизнинг Олмалиққа ташрифи доирасида бўлиб ўтган фаоллар, маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчилари билан учрашувида у ҳам иштирок этган эди. Ушунда у давлатимиз раҳбарига ўз режаларини гапириб бериб, келгуси фаолиятини ривожлантириш учун қимматли тавсиялар олишга ҳам мушарраф бўлган.

— Президентимиз мендан шу сийёсат қутилган самара беришига ишонасизми, дея сўради, — дейди Комила. — Мен, албатта, рўёбга чиқади, чунки бу вертикал тизимда ҳоким ёрдамчиси Президент билан тўғридан-тўғри боғланаётгани, ҳамма куч ва ресурслар маҳаллага, ҳоким ёрдамчиси ёни-

га жамланаётгани қувонч билан сўзладим. Манана, маҳаллада иш олиб борар эканман, бу борада биз, ҳоким ёрдамчилари учун яратилган имкониятларни ҳар лаҳзада сезиб, ҳис этиб турибмиз. Вазифамиз бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, зиммамизга юкланган масъулиятли юмушни адо этиш, эл-юрт хизматига доимо қамарбаста бўлишдир.

Комилахон билан суҳбатга киришиб, кун бота бошлаганини ҳам сезмай қолганимиз. Кетар чоғимиз у “Бу маҳаллада ҳали кўп янгиликлар бўлади, ушунда, албатта, сизларни яна таклиф қиламан, барчасини ўз кўзингиз билан кўрасиз”, деди мамнуният билан.

Хайрлашиб йўлга чиқар эканмиз, биз ҳам ҳоким ёрдамчисининг ниятлари ижобат бўлишини тиладик.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ҚАДИМ ТАМАДДУН,
БОҚИЙ БУНЁДКОР ЗАМИН
& ХУД САМАРҚАНДАГА БОРСАМ МЕН АГАР...

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Ўтган асрнинг 60-йиллари охири эди. Мактабимиз ўқувчилари учун Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди. Ундан йигирма беш чақирим нари-берида яшайдиган қишлоқ болалари ақлу шуурини меъморий обидалар маҳобати, нилий гумбазларнинг кўкلامий офтоб нурларига ҳамоҳанг товланиши, мақбараларнинг эртаксимон манзараси хайрону лол қолдирди. Сафар таассуротларини ота-онамизга завқ-шавқ ва ифтихор билан айтиётганимизда билмас эдикки, наинки бизлар, балки бу қадим заминга қадами теккан инсон борки, ана шундай туйғуларга ошuftа бўлади.

Табииyki, ўрта асрларда боқийлик рамзи сифатида “Ғарба Рим, Шарқда Самарқанд” ибораси машҳур бўлиши моҳиятини, бу ер бутун дунё тамаддунлари чорраҳаси эканини кейинчалик билганимиз, англаганимиз ва янада ғурурланганимиз. Қолаверса, орадан кўп ўтмай қадим шаҳар обидалари ЮНЕСКО рўйхатидан жой олди. Айни кунда Самарқанд инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир маротаба бориб кўриши зарур бўлган дунёдаги 50 та шаҳарнинг бири сифатида эътироф этилган. Табаррук маскан Болгария, Перу, Ҳиндистон, Бразилия, Покистон, Бельгия каби мамлакатлар шаҳарлари билан биродарлик ришталарини боғлаган. Бу ришталар кейинги пайтда янада мустақамланиб, кенгайиб борапти.

“Очиқ осмон” остидаги очиқ китоб

Самарқандга борсам мен агар... Машҳур кўшиқда айтилганидек, Улугбекни кўриб қайтаман. Уша саёҳатда ўқитувчимиз Исроил Нурбеков Улугбек расадхонасига келганимизда беназир аллома кашф қилган юлдузлар ҳақида тўқинланиб гапириб берганди.

— Улугбек илмий меросининг энг маълум ва машҳури “Зиж” ёки “Зижии жадиди Қўрагоний” деб ҳам аталади, — деганди муаллим. — Бу асарда 1018 собита юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган. Уларнинг ҳаммаси ўзи қурдирган мана шу расадхонада секстант воситасида кашф этилган.

Бугун эса Ўзбекистон улугбеклари янгидан янги осмон жисмларини аниқлашяпти. Кейинги йилларда шимолий ярим шардаги энг яхши кенглик станцияларидан бири саналган Майда-нак обсерваториясининг ўзида тўртта комета, 80 дан ортиқ астероид ва “Самарқанд” номи берилган янги кичик сайёра кашф этилди.

Яқинда йўлим яна қадрдон юртга тушди. Самолёт Самарқанд халқаро аэропортига оҳиста кўнар экан, иллюминатордан унинг бугунги манзарасини ҳаяжонланиб кузатиб бордим. Очилган китоб шаклидаги янги аэропорт терминали устига қарасангиз, унда айнан “Зижии жадиди Қўрагоний”дан жой олган юлдузлар туркуми тасвири туширилган осмон кўриниши эътиборингизни тортади. Тез орада янги терминал ишга тушгач, бу кўриниш, айниқса, тунда улугвор ва жозибали манзара касб этади.



учун 62 миллион АҚШ доллари сарфланмоқда. Қўналгани барпо этиш ва жиҳозлашда юртимиз қурувчи-муҳандислари билан бир қаторда Россия, Туркия, Германия ҳамда Буюк Британиядан келган мутахассислар ҳам иштирок этапти.

Ҳозирга қадар узунлиги 3105 ва эни 60 метр бўлган учиш-қўниш йўлаги, уни ёритиш-сигнал чироқлари ва аэронавигация ускуналари ўрнатиб бўлинди. Тубдан таъмирланаётган ва барпо этилаётган янги терминалларда пардозлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

— Янги терминал ишга тушгач, бир вақтнинг ўзида 4 та рейсга хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлади, — дейди “Enter Engineering” компанияси бош директори ўринбосари Рустам Ҳайдаров. — 2019 йилда бир ҳафтада 40 та рейсга хизмат кўрсатилган бўлса, энди бу рақам 120 гага етади.

Аэропортда кўрсатиладиган хизматлар арзон, сифатли, тез ва қулай бўлиши учун “ақлли” технологиялар ёрдамига таянилади. Ана

Регистон ҳанузгача шаҳарсозлик санъатининг мукамал шоҳ асари бўлиб келмоқда. Ўзида Улугбек, Шердор мадрасалари ва Тиллақори масжид-мадрасасини мужассам этган бу ансамбль ранг-баранг кошинкор безаклари, нақшинкор пештоқлари, улкан гумбазлари билан бутун дунё сайёҳларини лол қолдиради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев топириги асосида Регистоннинг чор-атрофи тубдан қайта қурилди. Ортиқча биною қурилмалар олиб ташланиб, обод сайилгоҳга айлантирилгач, унинг бўй-басти янада улугворлик касб этди. Бу ер халқроқ анжуманлар, маърифий-маданий тадбирлар, “Шарқ тароналари” каби фестиваллар ўтказиладиган, миллионлаб сайёҳларнинг қадами узилмайдиган табаррук масканга айланди.

Бугун буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкалига, тарихнинг суронли даврларига гувоҳ бўлган обидаларга қараб, беихтиёр олдинги кўримсиз ва ғариб манзаралар ҳаёлимда жонланади. Мустабид тузум даврида



460000 йўловчига хизмат кўрсатиш қувватини 2 миллионга етказиш имконини беради.

Аслида Президентимизнинг Самарқандга ҳар бир таширидан кейин унинг меъморий қиёфаси янада маҳобат, файз ва кўркамликка юз тутмоқда. Хусусан, 1967 йилда ишга тушган ва замонавий талабларга жавоб бермай қолган аэропорти тубдан таъмирлаш лойиҳасини амалга оширишга 2018 йилда киришилган эди. 2019 йилда давлатимиз раҳбари лойиҳа билан танишиш чоғида унинг қамровини янада кенгайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

“Enter Engineering” компанияси томонидан қурилаётган мазкур аэропорт реконструкцияси

шундай иш тутумининг юк ортиш ва етказиб бериш жараёнига ҳам қўлланилиши бошқа авиакомпанияларни ҳам жалб этиш имконини беради. Бинобарин, вилоятда экспортбоп мева-сабзавотлар етиштириш кўпайиб борапти. Бу маҳсулотларни қарго хизмати орқали олис манзилларга ҳам тез етиб боришини таъминлайди. Аэропорт “очиқ осмон” режимида тўлиқ ишлаб бошлагач, бу ерда 1000 кишининг бандлиги таъминланади.

Шу каби масъулиятли вазибаларни бажаришни “Air Markanda” компанияси давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ўз зиммасига олган. Аэропорт инфратузилмасини ривожлантиришга 80 миллион доллар инвестиция киритилиб, уни Германиянинг Мюнхен, Туркиянинг Истанбул халқаро аэропортлари мутахассислари билан ҳамкорликда йирик транспорт ва сайёҳлик марказига айлантириш режалаштирилган.

Рўйи замин сайқали

Самарқандга борсам мен агар... Бундан 50 йил аввал раҳматли отам билан Регистонга келганимни эслайман. Қадимий майдон бирмунчайин чуқурда, олд томони эса бозор эди. Атрофда, асосан, озиқ-овқат, пишириқлар сотиларди.

Отамнинг: “Болам, бу жуда муқаддас жой. Унда Амир Темур, Мирзо Улугбек, Мирзо Бобур юрган. Бу ердаги мадрасада Алишер Навоий таҳсил олган”, деган гапларини эслайман.

пала-партиш қуриб ташланган кўримсиз уйлар, пасткам савдо дўконлари, тор кўчалар... Боз устига, бу ердаги саноат корхоналари ҳамда улардан атроф-муҳитга таралаётган бадбўй тутун...

Хўш, энди-чи?! Худуднинг бугунги тароватини ўша даврлардаги манзара билан бир қиёслаб кўринг! Ер билан осмонча фарқ бор.

Қурилиш ҳамда таъмирлашда миллий меъморлик аъёналари ва замонавий шаҳарсозликнинг энг юксак намуналари татбиқ этилаётгани диққатга сазовор. Жумладан, Бўстонсарой, Рудакий, Панжакент, Даҳбед кўчалари, улар бўйларида қад ростлаган кўп қаватли уй-жойлар, бир қатор зиёратгоҳлар, ўнлаб иншоотлар мазкур йўналишдаги ишларнинг ёрқин кўринишидир.

Шу билан бирга, шаҳарда ландшафт дизайни масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратиляпти. Каштан, эман, арча, қайин, қрим қарағайи каби турфа дарахтлар ўтказилди, гулзор ҳамда яшил майсазорлар ташкил қилинди.

Бугунги кунда Самарқанд замонавий ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга марказлардан бирига айланиб борапти. Ҳозирги кунда бу ерда 1000 дан зиёд саноат корхонаси барқарор фаолият кўрсатмоқда. Шундан 200 га яқини хориқлик ҳамкорлар билан ташкил этилгани юртимизга чет эллик сармоядорлар катта қизиқиш билдираётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

— Тадбиркорларимиз кўшни давлатлардан ташқари, Германия, Франция, Финляндия, Польша каби йигирмадан ортиқ мамлакатга ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда, — дейди

Самарқанд шаҳри ҳоқими Бобурмирзо Облокулов. — Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилиши тўғрисида маҳсулотлар нафақат ички бозорларимизни тўлдирмоқда, балки хориқга ҳам сотилмоқда.

Бой тарихга эга бу азим шаҳар ўзининг улугвор меъморий ёдгорликлари, мовий гумбазлари, бетакорор шарқона қиёфаси билан азалдан дунёда доғ тарагган. Шу боис, ҳар йили бу ерга жаҳоннинг юздан зиёд давлатидан минглаб сайёҳ ташриф буюради.

— Тарих ва замонавийлик ажиб тарзда уйғуллашиб кетган бу гузал шаҳарни томоша қилиб, юртингиз ўтмиши нечоғлиқ буюклигини англадим, — дейди германиялик тадбиркор Гевард Коккерт. — Бу заминда пишиб етилган ширин-шакар меваларни дунёнинг бошқа жойида учратиш қийин. Мамлакат тараққиётига, шаҳару қишлоқлар ободлиғига ҳамма бирдек ҳисса қўшаётгани ҳам таҳсинга лойиқ. Эҳтимол, ана шу омиллар боис, кўнглимда “Ўзбекистонга, Самарқандга яна кўп бор келаман”, деган ният туғилди. Бу заминда кўрганларимни яқинларимга ҳам сўзлаб бераман.

Агар яқин орада хориқлик тадбиркорнинг яқинлари ёки ўзи бу ерга келса, янгидан-янги ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиши шубҳасиз. Чунки Самарқанд яшаш учун қулай “миллионли шаҳар”га айлантирилади. Бунинг учун унинг тарихига қўшни туманлардан муайян ҳудудлар қўшилиди. Давлат идоралари ва маъмурий хизматлар тарихий марказдан бошқа жойга қўчирилади. 2 та тоннель ва 2 та кўприк қурилади.

Ўтган йил 9 декабрь кўни Президентимизга Самарқанд вилоятида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимот қилинди. Унда қайд этилганидек, ҳудуд драйверларидан бири бўлган туризм соҳасида 40 минг кишининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Вилоятни юртимизнинг “туризм дарвозаси”га айлантириш орқали келгуси беш йилда сайёҳлик хизматлари ҳажмини 10 баробар ошириш мўлжалланган. Жумладан, 600 дан ортиқ янги меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этилади.

Бу соҳадаги энг улкан лойиҳа — тарихимиз, маданиятимиз ва “Янги Ўзбекистон” ғоясини ўзида мужассам этган Самарқанд бизнес ва туризм маркази хисобланади. 212 гектар майдонда барпо этилаётган бу масканда халқаро конгресс маркази, “Абадий шаҳар” қарвонсарой мажмуаси, 8 та меҳмонхона, дам олиш ва кўнгилочар объектлар, хунармандлик маркази, сунъий сув ҳавзалари бўлади. Бу ерда 5 мингдан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланади. Умуман, вилоятга ташриф буюрадиган хориқий сайёҳлар сонини йилига 5 миллионга етказиш мақсад қилинган.

Самарқандга борсам мен агар... Шу табаррук заминда яшаб, ижод қилаётган дўстим, журналист ва шоир Фармон Тошев билан албатта, диёрдорлашаман. У бу гал ҳам Самарқанд вилоятидаги ўзгаришлар хусусида мароқ билан сўзлайди.

— Одамлар ўзгарди, — дейди у. — Илгари моддий ёрдам сўраганлар бугун тадбиркорлик учун ер, майдон, кредит сўраб турибди. Лимон, помидор ва бошқа полиз ҳамда сабзавот етиштиришга ихтисослашган маҳалла ва қишлоқлар пайдо бўлди. Насиб этса, Нурободдаги қуёш станцияси, Дарғом каналдаги ихчам электростанциялар ишга тушса, электр энергиясидаги муаммолар ҳам ҳал бўлади. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 50 дан ортиқ давлатга экспорт қилиняпти. Вилоят ҳоқимлиги ҳар йили энг фаол ижодкорларни, энг яхши китоб ва асар муаллифларини рағбатлантиради. Ўтган йилнинг ўзида ўнга яқин ижодкорнинг китоби чиқариб берилди.

Самарқандга борсам мен агар... Қадим тамаддун, боқий бунёдкор замин ҳар томонлама янгилиниб, ўзининг номига мос маҳобат ва улугворлик касб этиб бораётганини кўриш ҳам-мизга ҳам насиб этсин.

НУРОНИЙЛАР ЁШЛАРГА МУНОСИБ МУРАББИЙ ЁХУД ЯНГИ ТИЗИМНИНГ САМАРАДОРЛИГИ НИМАЛАРДА АКС ЭТЯПТИ?

КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧЛАРИ

Кейинги пайтда таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаш, билим беришда илғор тажрибалардан фойдаланиш баробарида миллий анъана ва қадриятларга суяниш масаласи бирламчи вазифалар қаторидан жой олди. Зеро, давлатимиз раҳбари ҳам “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”, деган фикрни илгари сурганида тарбия гоят нозик масала эканига яна бир қарра ишора қилгани бежиз эмас.

Ўзбекона тарбия шарофати

Аслида, ўзбек тарбияси дунёдаги энг гузал тарбиялардан, десак хато бўлмайди. Ўзбекона муносабат акс этган “Ўткан кунлар” асарини чет элликлар эътироф этаётганини бунинг мисоли сифатида айтишимиз мумкин. Аввало, ота ва онанинг бир-бирига, фарзандларнинг ота-онага, шунингдек, келиннинг қайнота-қайнонага қандай муносабатда бўлиши, умуман, рिसоладаги ўзбек oilаси асарда аниқ-тиниқ тасвирланган. Ана шундай ибратли oilавий муносабатларимизни сақлаб туриш, фарзандларимизни чинакам ўзбекона тарбия асосида камолга етказиш билан айримлар ўйлаётгандек, замондан ортда қолмаймиз. Аксинча, замонавийлик гузал тарбия билан уйғунлашганида, шахсни янада баркамол этади. Негаки, oilмавий маданиятга эргашмай, замонавий oilмларни пухта эгаллаш, дунё тилиларини билиш орқали жамиятда муносиб ўрин топишининг ўзи шахсининг замон билан ҳамқадамлигини ifodalайди. Шу маънода, бугун мактабларимизда 4 та фанни уйғунлаштирган “Тарбия” фани ўқитила бошлангани, мавзуларга миллий қадриятларимиз, гузал одатларимиз сингдирилгани айни мудоао бўлди.

Бироқ бугунги ахборот хуружи шиддат билан ўсаётган даврда айрим ёшлар

тарбияси, маънавияти билан боғлиқ оғриқли масалаларни ота-она, ўқитувчиларнинг ўзигагина ташлаб қўйиб бўлмайди. Бу борада астойдил, тизимли ишлаш талаб қилинмоқда.

Қоғозда эмас, амалда!

Жорий йил 19 январь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси ва Ёшлар ишлари агентлиги ҳар бир маҳаллада “Бир нуронийга ўн нафар ёш”, “Кекса авлод учрашувлари” лойиҳаларини амалга ошириши белгилаб қўйилди.

Зеро, ўтган йилнинг март ойидан ҳаётимизга татбиқ этилган “Ҳар бир нуроний — беш нафар ёшга маънавий ҳоми” лойиҳаси доирасида қўллаб ёшларнинг дунёқараши, ҳаёт йўли, oilавий турмуш тарзи ижобий томонга ўзгарди.

2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини қучатириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида Президентимиз ёшлар маънавиятини ошириш масаласига алоҳида тўхталиб, “Биз “Нуроний” жамғармасининг Тошкент шаҳридаги тажрибаси асосида “Ҳар бир нуроний — беш нафар ёшга мураббий” тамойили бўйича муҳтарам оқсоқолларимиз, қайвони она-хонларимизни тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюшмаган, ишсиз ёшларга бириктириб қўйишга қаратилган ибратли ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз. Албатта, катта тажрибага эга бўлган нуронийларимиз ўзларининг ҳаётий ўғитлари билан ёшларимизга тўғри йўл кўрсатса, бунинг фойдаси катта бўлади. Ана шу ишларни амалга ошириш учун “Маънавий-ахлоқий тарбия дастури”ни ишлаб чиқиб, унда таълим тизими, маҳалла, нуроний, хотин-қизлар, ёшлар ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотларининг вазифасини аниқ белгилаб қўйиш зарур”, дея таъкидлаган эди.

Шу куни давлатимиз раҳбари пойтахт тажрибасидан келиб чиқиб, барча ҳудудларда “Ҳар бир нуроний беш нафар ёшга мураббий” тамойили асосида янги тизим жорий этиш вазифасини белгилади. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида “Маҳаллаларда аҳоли орасида обрўли, катта ҳаётий тажрибаси бор бўлган нуронийларни ёшларга бириктириш ва улар



билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар дастури ҳамда янги тизимни жорий этиш юзасидан йўриқнома” ишлаб чиқилиб, ҳудудий бошқармаларга юборилди.

2021 йилнинг декабрь ойи ҳолатига тайёрланган ҳисоботлар таҳлили шуни кўрсатдики, жойларда олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида янги тизим доирасида сезиларли натижага эришилган. Хусусан, Наманганда 11640 нафар нуронийга бириктирилган 58200 нафар ёшнинг 57 435 нафари (98,7 фоиз), Фарғонада 2 582 нафар нуронийга бириктирилган 15 278 нафар ёшнинг 15 245 нафари (99,8 фоиз), Қашқадарёда эса 6 611 нафар нуроний ҳомиликка олган 29 217 нафар ёшнинг 28 920 нафари (98,9 фоиз) рўйхатдан чиқишга муваффақ бўлган. Уйлаймизки, ёшлар билан ишлашнинг эндиги босқичида Хоразм, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида ҳам самарадорлик яхшиланади.

Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Кексалар ва фахрийларнинг ижтимоий фаолигини ривожлантириш бўлими тақдим этган маълумотларга кўра, ўтган вақт мобайнида янги тизимда олиб борилган ишлар натижасида республика бўйича жами 9260 та маҳаллада 30 603 нафар мураббийга бириктирилган 146 578 нафар ёшдан 136 766 нафари рўйхатдан чиқарилди.

Юқорида қайд этилгандек, рақамлардаги ўзгаришлар олиб борилган саъй-ҳаракатлар самараси, албатта. Барча ҳудудларда янги тизимни самарали ташкил этиш юзасидан семинарлар ташкил

этилиб, тизим фаолиятини тўғри йўлга қўйиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Хусусан, Тайлоқ туманидаги шундай семинар аҳолисининг 40 миндан зиёдини ёшлар ташкил қилувчи ҳудуд ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Туманда 250 нафар нуронийга бириктирилган 750 нафар ёшнинг кўпи ишли, ҳунарли бўлгани баробарида, аксарияти тўғри йўлга қайтиб, рўйхатдан чиқарилган. Яна уч миндан зиёд ёшлар нуронийларга бириктирилган.

Навоий вилоятида ўтказилган тадбирларда 200 дан зиёд ёш тадбиркорликка жалб этилган. 500 дан ортиғи жойлардаги тўғрақларга жалб қилиниб, 85 та нотинч oilа муаммолари ҳал этилган. Республика Маънавият ва маърифат марказининг Қўйи Чирчқ тумани бўлими ҳамда туман Маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамкорлигида ҳудуддаги 37 маҳалла раислари иштирокида танқидий-таҳлилий муҳокама йиғилиши ўтказилди. Қўйраб туманидаги Бунёдкор маҳалласида ўтказилган семинарда вазирлик вакиллари, туман ҳокими ўринбосари ҳамда маҳалла раислари ва уларнинг кексалар бўйича маслаҳатчилари иштирок этгани эса тизим фаолияти қатъий назоратда эканидан далolat беради.

Аниқ мисолларга тўхталганда, Наманган вилояти Уйчи тумани “Мустақиллик” МФИда яшовчи Нўзмонжон Раҳимжоннинг фикрларини алоҳида тилга олишни истардиқ:

— 1997 йилда туғилганман. Ёшлик қилиб, каттагина бир жанжалга аралашиб қолдим ва жамиятдаги ўрнимни йўқотиб

қўйгандек бўлдим. Маҳалладан 5 нафар ёшга бириктирилган нуроний Турсунбой Худойбердиев менга ота-онамдек жон қойитди. Қайси ташкилотга бўлмасин, мен билан бирга бориб, масалани ижобий ҳал қилди. Бир нарсасга амин бўлдимки, моддийтни инсон ўз қучи билан топиши мумкин экан. Аммо маънавий далда, руҳий кўтаринкиликни баъзан пулга ҳам топа олмаيمиз. Отахоннинг панд-насиҳатларидан қаттиқ таъсирландим. Узимни ўнглаш йўлига кирдим. Энг қувончлиси, жорий этилган янги лавозим — маҳалладаги ёшлар етакчиси бўлиб фаолият бошлаяпман. Эндиликда ёшлар билан ишлаётганимдан хурсандман. Уларга ҳеч қачон адашмаслик, катталарнинг насиҳатига қўлоқ тутиш, кексалар йўриғига амал қилишни тавсия қиламан. Ёшлар етакчиларига имтиёзлар берилгани учун Президентимизга раҳмат айтаман.

Айни туманда истиқомат қилаётган Гавҳар опа Нормирзаева фарзанди Мусожон Эргашевга бириктирилган нуроний Маъруф ота Йўлдошевнинг беминнат қўмағидан хурсанд эканини айтади. Зеро, 8 ой озодликдан маҳрум этилиб, афв орқали oilасига қайтган Мусожон ҳозирги кунда пойтахтда яхши корхонада ишлаяпти, oilасини ўзи тебратаяпти. Турмуш ўртоғи бундан беш йил аввал касалликдан вафот этган бу аёлнинг ўзи “Темир дафтар”да, ўғли эса “Ёшлар дафтари”да рўйхатда. Нуроний мураббийнинг ёрдами билан Мусожон руҳан ҳам анча тетиклашган, дунёқараши бутунлай ўзгарган.

Фарғоналик Муҳаммадали ота Боймирзаев “Ғайрат” маҳалла фуқаропар йиғинида истиқомат қилади. У 28 йилдан бери маҳалла оқсоқли, йиғиннинг нуронийлар маслаҳатчиси сифатида эл ҳурматига сазовор бўлган. Унинг саъй-ҳаракати билан ёшлар учун кутубхона ва маҳалла музейи ташкил этилди. Ушбу маҳалла кутубхонаси ёшларнинг сеvimли маскани бўлиб, 2000 дан зиёд китоб фондига эга.

Нуроний ҳимояга муҳтож ёш oilа Равшанбек Мирзаахмедов хонадонига беминнат ёрдм кўрсатиб келмоқда. Нотинч oilалардан ҳисобланган Неъматжон Рўзалиев oilасида ҳам мунтазам тарбиявий суҳбат ўтказиб келинади. Унинг меҳнатлари эвазига Жаҳонгир Мелибоевнинг oilаси маҳалладаги намунали oilалардан бирига айланди.

Дарҳақиқат, бугун ҳар қандай вазифани қоғозда эмас, амалда ташкил этишни даврнинг ўзи тақозо этапти. Янги тизимдан қўзланаётган мақсад миллий қадриятларга садоқатли, Ватанга муҳаббатли, маънан баркамол инсонларни камолга етказишдир. Бунинг учун ҳар бир ёш қалбига йўл топиш, уларни турли таъсирлардан асраш талаб қилинади.

Кимлар ҳомийликка олинади?

Кўпни кўрган, халқ тили билан айтганда, бошидан иссиқ-совуқни кўп ўтказган кекса мураббийлар маҳаллалардаги муаммоларни ёшларга бириктирилади. Улар ҳеч қандай ишламайдиган ёки ишли бўлса-да, oilаси нотинч, ташқи таъсирларга берилиб қолган, умуман, катталарнинг маслаҳатига муҳтож бўлган ёшлар. Энг муҳими, профилактик рўйхатда турганлар ҳам маънавий ҳомийга бириктирилмақда. Бундай ёшлар билан нафақат тарбиявий тадбирлар, балки касбга йўналтириш, ўқишни тиклаш ишлари ҳам олиб бориляпти. Бу каби ишлар улар ҳаётида кескин ўзгаришлар ясаётгани билан аҳамиятли, аммо акс ҳолатлар ҳам бўлмаслигига ҳеч қачон кафолат бермайди. Айниқса, таълим муассасалари раҳбарларига ўз назоратига олишга ваъда бериб, ота-онаси ҳам йўлга сола олмаётган ёшларни ўқишга қайтариш чинакам фидойиликни талаб қилади. Шу маънода, мураббийларга осон эмас.

Ахир ўзиниғ йўланг, вақти келса, энг кичик ватанимиз — oilаимизда соф муҳит яратиш, фарзандларимизни нотўғри йўлдан қайтаришга қанчалар қийналамиз? Шунинг учун ҳам йўлни тополмай тенгабюр юрган ўғил-қизларнинг тайин бир ишга йўналтирилгани ёки уста-шоғирдалик асосида бир ҳунарни ўрганаётгани, ўқишга қайта тиклангани каби ишларнинг ўз-ўзидан бўлмаётгани, бунинг учун тизимли бир механизм яратилаётганини чуқур ҳис қилиш лозим.

Қари билганни пари билмас...

Аслида, кўр-кўрона ишлаш билан кимни алдасимизни ўйлаб кўришнинг ўзи кифоя. Ҳар бир ишга виждонан ёндашадиган одамлар бугун халқ томонидан ўз баҳосини oilадинг вақт келди. Нафақат маънавий кўмакка муҳтож, балки ҳар бир ёш қари билганни пари билмаслигини чуқур ҳис қилса, гузал тарбиямиз, бой маънавиятимиз, миллийлигимизга ҳеч қачон путур етмайди. Зеро, биз маҳалласида бир бола йўлидан адашса, ложақал “кимнинг боласинан, отанг яхши одам эди-ку”, дея танбеҳ берган аждодларнинг авлодларимиз...

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТИЛ ВА ҲУҚУҚ

Гулнора ҒУЛОМОВА,
ТДЮУ доценти,
филология фанлари номзоди

Она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва мавқеини янада ошириш — давр талаби. Зеро, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида (шу жумладан, юриспруденцияда ҳам) адабий тил имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан биридир. Бинобарин, қонунлар табиатан адолатли ва одамлар учун тушунарли, яъни яратилган ҳуқуқий ҳужжатлар тили батафсил, раvon бўлиши керак.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги обрўси ва мавқеини янада ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 21 октябрда “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон имзоланди. Мазкур фармон билан 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ҳам тасдиқланди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси таркибида Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш департаменти ҳамда Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди, ел юртиш асосларини давлат тилида ўқитиш маркази очилди. “Давлат тили тўғрисида”ги қонун ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Юртимизда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва уйғунлаштириш, барқарорлик-

ТАРАҚҚИЁТ ТИЛ ҲАҚИДАГИ ҚОНУНЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШДАН БОШЛАНАДИ



ни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мактаблар ва турли тиллардаги oilмавий ахборот воситалари тармоғининг қўлайлиги, шунингдек, миллий маданий марказлар ташкил этилиши ижобий натижаларнинг ёрқин тасдиғидир. Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида ўқитиш 7 тилда (ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман) олиб борилади, дарсликлар ушбу тилларнинг барчасида нашр этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 10 миндан зиёд умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, улардан 862 таси рус тилида, 133 таси қорақалпоқ тилида, 218 таси қозоқ тилида, 38 таси қирғиз тилида, 165 таси тожик тилида ва 23 таси туркман тилида дарс беради. Ушбу рақамлар бошқа тилларни қўллаб-қувватлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишлари эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Тил — билимларни етказиш ва шакллантириш, шу жумладан, ҳуқуқий билимлар, инсонни ривожлантириш ва тарбиялаш воситаси бўлиб, унинг функциялари нафақат филологлар, балки ҳуқуқшунос oilимларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб қилади.

Ҳуқуқ — жамият ҳаётини тартибга солувчи, бевосита назорат қилувчи восита. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай юридик ҳужжат сифати уларнинг аниқлиги ва саводхонлигига ҳам бевосита боғлиқ. Айниқса, ҳужжат тили адабий тил меъёрлари асосида шакллантирилиши лозим, бу меъёрларнинг тушунарли бўлишини таъминлайди.

Жамият ҳаётининг ҳуқуқ аралашмаган бирон-бир соҳаси йўқ. Давлат ҳужжатлари ва қонунлари жамиятнинг барча аъзоларига тааллуқли экан, уларни яратишда, аввало, адабий тил меъёрларига, ёъма юридик тил талабларига, юридик тилининг сўз бойлигига қатъий риоя қилиш зарур, акс ҳолда, ҳужжат ўз қўяматини йўқотади. Ёъма юридик тил нутқнинг муҳим қўнималаридан биридир. Бу ёъма ҳуқуқий нутқни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш, термин, атама ва сўзларнинг вариантларини танлашни англатади.

Ҳар қандай ҳуқуқий фикр, энг аввало, тилда, лексикада ifodalанади, нутқ моделлари орқали шаклланади ва нутқда ўз ifodасини топади. Шунинг учун ҳам тил ва ҳуқуқ ижтимоий, маънавий ва маърифий ҳодисалар демок.

Юртимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар қонун тили ва услуби, ҳуқуқий терминология ва замонавий юристининг нутқ маданияти каби долзарб масалалардаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилган. Ҳеч қандай ислохот қонунларни ўзгартирмасдан амалга оширилмайди, бу эса ўз-ўзидан янги лисоний бириклар (сўзлар, термин ва атамалар) ва шаклларнинг ривожланишига йўл очади. Янги ҳуқуқий тушунчалар тилда

сўз ёки термин шаклида ўз ifodасини топгани сабабли, улар давлат тилининг ўз қонунлари асосида ifodalаниши ва шаклланиши керак. Чунки юридик тил адабий тилининг ажралмас қисмидир.

Қонун тилида нотўғри ишлатилган битта қўшимча сўз, хатто битта тиниш белгиси қўпол семантик ва услубий, хатто сиёсий хатоларни келтириб чиқариши мумкин. Юридик ҳужжатларни тайёрлашдаги муаммоларнинг асосий сабаби ҳам ўзбек адабий тили талаблари, қоидаларини билмаслик, ёъма шаклда мулоқот қўбилиятининг талаб даражада эмаслигидан.

Шу боис, расмий услубда ёзилган ҳар қандай ҳужжат профессионал тарзда таҳлил қилиниши ва пухта шакллантирилиши керак. Бунда расмий нутқнинг аниқлиги, мантқиқлиги, изчиллиги каби мезонларга қатъий амал қилиш шарт.

Ҳуқуқшуносликда ҳозирги куннинг энг долзарб, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларидан бири, бу соҳа тилининг пухта шаклланиш лугати — тезаурусини тузишдан ibорат. Тўғри, oilм-фос соҳаси терминологиясига бағишланган қўллаб қўлат ва қомуслар яратилган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамиятга эга. Ушбу манбаларнинг мақсади битта — ўзбек тилининг терминологиясини тартибга солиш. Маълум даражада мазкур вазифа бажарилди ҳам, яъни соҳаларда ишлатилаётган тушунчаларни тўғри ifodalовчи қўллаб терминлар яратилди. Бироқ бу борада амалга оширилиши керак бўлган ишлар якунига етган эмас.

Ҳуқуқ ва тил бир-бирига боғлиқ, ажралмас тушунчалардир. Ҳуқуқшуносликнинг ҳар қандай ғояси, муносабати, тушунчаси унинг лексиконида ifodalанади, яъни объект, вазият, жараёни акс эттириш учун танланган сўз, термин ёки атама ifода услубига мос келмаса, ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатлар, алоқа, мулоқот ва фикрлаш юзага келмайди.

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ТАРИХИЙ АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ТИКЛАНДИ

Олий судда мустабид тузум даврида қатағон қурбони бўлган ва ҳозирга қадар иши қайта кўриб чиқилмаган 120 нафар шахс оқланди



Икром МУСЛИМОВ,
Олий суд раиси ўринбосари

Бунга қадар 2021 йил 25 август куни ҳам Олий судда кўрилган жиноят ишлари доирасида совет даврида қатағон этилган 115 нафар шахс оқланганини таъкидлаш лозим.

Бу, аввало, собиқ шўролар тузуми даврида қатағон қилинган ватандошларимизнинг пок номларини оқлаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Шунингдек, айни йўналишдаги ишларимизнинг тизимли ва бардавом эканини амалда тасдиқлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида халқимизнинг миллий ўзликни англаш, янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида қўяётган кутлуг қадамлари мукаррам инсон зотига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, инсон хотирасига нисбатан адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришдек эзгу амаллар билан узвий боғлиқ бўлиб, келгусида халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

Харакатлар стратегиясидан — Тараққийёт стратегияси сари

Мамлакатимизда кейинги беш йилда Харакатлар стратегияси ҳаётимизнинг барча соҳаларига изчил жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши ҳам ана шу дастурулмал ҳужжатнинг мевасидир.

Фармойишга мувофиқ, қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳнинг таркиби тасдиқланиб, асосий вазифалари белгилаб берилди.

Уларга қатағон қурбонларини номларини аниқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилди. Энг асосийси, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассислари, экспертлар, шунингдек, хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналаримиз вакиллари ҳам шундай эҳтиш ҳуқуқи берилди.

Маълумки, Янги Ўзбекистон тараққийёт стратегиясида йиллар давомида амал қилиб келган “Давлат — жамият — инсон” тамойили “Инсон — жамият — давлат” тамойилига ўзгартирилмоқда. Шу маънода, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимининг фаолияти Харакатлар стратегиясига қанчалик мос ва мутаносиб равишда амалга оширилган бўлса, Тараққийёт стратегияси талабларига ҳам шунчалик уйғун ва ҳамоҳанг экани яққол намоён бўлмоқда.

Шундай экан, Тараққийёт стратегиясининг тасдиқланиши ва муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали инсон ҳақларини улуғлашга қаратилган улкан мақсад ва вазифаларимизга эришиш имконини беради.

Янги йил Ўзбекистон Президенти илгари сурган “Инсон ҳақлари учун” тамойилини мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида кенг татбиқ этишга қаратилган янгиланиш ва бунёдкорлик кайфияти билан бошланди. Бўни, жумладан, юртимиз суд-ҳуқуқ тизими фаолиятидаги эзгу ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, 2022 йил 6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судида мустабид тузум даврида қатағон қурбони бўлган 120 нафар шахсга оид жиноят ишлари кўриб чиқилди ҳамда уларнинг барчаси оқланди.

Жадидлар ким эди?

XX асрнинг бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз янгиланиш ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш ғояларини байроқ қилиб, кураш майдонига мардона чиққан. Бу “жадидчилик” ҳаракати деган ном билан машҳур бўлган.

Аслида бу улуг зотларнинг мақсади — жаҳолат ва қолоқлик ғирдобидан қолган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илгор касб-хунарлар билан қуроллантириб, умумбаъшарий ривожланиш йўлига, яъни янги тараққийёт манзиллиги олиб чиқишдан иборат эди.

Жадид боболаримиз ташкил этган янги усулдаги мактаблар, театр, кутубхона ва музейлар, газета ва журналлар, Туркистон фарзандларини чет элларга ўқишга юбориш мақсадида тузилган хайрия жамиятлари халқимизни неча асрлик ғафлат уйқусидан уйғотиб, миллий озоқлик ҳаракати учун беқийс куч берган.

Аммо юртимизда большевиклар диктатураси ўрнатилгач, чор мустамлақачилик сиёсати янгича шаклда давом эттирилди. Бу эса, маърифатпарвар боболаримизга ўз мақсад-муддаоларини тўлиқ амалга ошириш имконини бермади.

Энг ачинарлиси, маърифатпарвар аждодларимиз шайни “босмачи” деган ноҳақ таъқиқ билан бўлганди. Шу боис, бугунги кишиларимизда “босмачилик” сўзини нима сабабдан кўштирмон ичида ёзишмизни мухтасар изоҳлаймиз.

Гап шундаки, босмачилик — Туркистонда совет ҳокимияти ва босқинчи қизил армияга қарши курашган қуроли ҳаракатга шўро ҳукумати даврида берилган расмий ном. Ёниобарин, “босмачи” ва “босмачилик” иборалари 1919 йилнинг ўрталарида бошлаб аввал вақтги матбуот, сўнгра расмий ҳужжатларда кенг ишлатилган.

Ушбу иборалар миллий озоқлик ҳаракатининг ҳоқиқатини сохталаштириш, аждодларимизнинг совет режими ва большевиклар ҳукмронлиги ҳамда қизил армиянинг босқинчилик сиёсатига қарши қаршилик курашларини ниқоблаш учун ўйлаб топилган. Бу тушунчалар “бандитлик”, “қароқчилик” деган сўзлар билан асоссиз равишда бир қаторга қўйилган.

Шуқри, уша аждодларнинг эзгу орзу-ниятлари халқимизнинг қон-қони, тарихий хотирасида сақланиб қолди ва ҳануз яшамокда. Бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида ана шундай улуг аждодларимизнинг

орзу-интилишлари ва армонлари мужассам.

Шу маънода, Ватанимиз истиқлоли, ҳақимизнинг озоқлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб, азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатағон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани тахсинга лойиқ.

Инсон — азиз, хотира — муқаддас!

Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги фармойишига кўра, Қатағон қурбонла-

“ЖАДИД БОБОЛАРИМИЗ ТАШКИЛ ЭТГАН ЯНГИ УСУЛДАГИ МАКТАБЛАР, ТЕАТР, КУТУБХОНА ВА МУЗЕЙЛАР, ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР, ТУРКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИНИ ЧЕТ ЭЛЛАРГА ЎҚИШГА ЮБОРИШ МАҚСАДИДА ТУЗИЛГАН ХАЙРИЯ ЖАМИЯТЛАРИ ХАЛҚИМИЗНИ НЕЧА АСРЛИК ҒАФЛАТ УЙҚУСИДАН УЙҒОТИБ, МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИ УЧУН БЕҚИЁС КУЧ БЕРГАН.

рининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унда 5 та йўналишда 32 та вазифа белгиланган.

Бу борада давлат ҳокимияти идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари ана шундай тизимли ишларни изчил амалга ошираётган бир пайтда Олий суд томонидан ҳам қатағон қурбонларининг номларини тиклаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича бир қатор муҳим натижаларга эришилганини қайд этиш керак.

Авваламбор, қатағон қурбонларининг номларини аниқлаш борасида изланишлар қўламини кенгайтириш учун масъулларга Олий суд архивидagi мавжуд ҳужжатлардан фойдаланиши учун шароит яратилди. Қўлаверса, бу борадаги тегишли ҳужжатларни ўрганиш зарурати туялган тақдирда, мутахассислар ишлаши учун Олий суд идоравий архивда алоҳида хона ташкил этилди.

Энг муҳими, “Йўл харитаси”да Республика ишчи гуруҳи, Олий суд ҳамда мутаассиди вазирлик ва идораларга тегишли илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш

жараёнида аниқланган, айрим сабабларга кўра, реабилитация қилинмай қолган қатағон қурбонлари номларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда тақлифлар киритиш вазифаси юклатилган.

Мазкур вазифа ижроси доирасида ўтган қисқа даврда қатағон қурбонлари реабилитацияси бўйича масала ўрганилиб, бу борадаги тақлифлар Республика ишчи гуруҳига кўриб чиқиш учун юборилди. Олий суд ва қўйи судлар томонидан ҳудудлардаги барча архивларда қатағон қурбонларига оид ишлар инвентаризация қилиниб, оқланган 1 минг 868 нафар шахснинг рўйхати вилоятлар кесимида шакллантирилди ҳамда Республика ишчи гуруҳига тақдим этилди.

Шунингдек, Олий судраисининг 2021 йил 9 февралдаги Фармойишига биноан, муайян сабабларга кўра, реабилитация қилинмай қолган қатағон қурбонларининг номларини оқлаш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида ишчи гуруҳ тузилди. Бундан ташқари, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, Республика ишчи гуруҳи аъзоси Б.Ҳасанов томонидан мустабид шўро тузуми даврида қатағон қурбони бўлган ва ҳозирги кунга қадар оқланмаган шахслар рўйхати тақдим қилинган бўлиб, Олий судда ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан ушбу ҳужжатлар ўрганиб чиқилмоқда.



Бу юртдошларимизга, шунингдек, ЎзССР Жиноят кодексининг 67-моддасига асосан ақсилқиллобий ташкилотларга аъзолик қилиш ва 69-моддага биноан инқилобий ҳаракат ва пролетариат синфига қарши фаол ҳаракат ёки курашиш айблари ҳам юкланган. Яъни улар фуқаролар руши вақтида ақсилқиллобий ҳукумат тузишда айбли деб топилиб, сургун жазосига ҳукм қилинган ва уларга тегишли мол-мулки мусодара этилган.

Иккинчидан. БДСБ доимий вакили хузуридаги Учлик кенгашининг 1930 йил 24 январдаги қарорига кўра, Аппах Ходжа Асқар Ходжаев ва бошқалар (жами 40 киши) ЎзССР Жиноят кодексининг 78-моддасига мувофиқ, бандитизмда айбланган. Улар совет давлатига қарши қуроли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганлигида айбли деб топилиб, сургун ва энг оғир жазо — отишга ҳукм қилинган ва мол-мулки мусодара қилинган.

Учинчидан. БДСБ доимий вакили қошидаги Учлик кенгашининг 1930 йил 24 мартдаги баёнига кўра, Абдурахимов Мирза Ходжа ва бошқалар (жами 15 киши) ЎзССР Жиноят кодексининг 67 ва 78-моддаларига кўра, ақсилқиллобий махфий ташкилотни тузганлигида ҳамда совет давлатига қарши қуроли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганлигида айбли деб топилган. Улар ҳам сургун қилинган, отилган ва мол-мулки мусодара бўлган.

Тўртинчидан. БДСБ доимий вакили қошидаги Учлик кенгашининг 1930 йил 25 январдаги баёнига кўра, Мансурбеков Мухаммад Солиқ ва бошқалар (жами 5 киши) ЎзССР Жиноят кодексининг 67 ва 78-моддаларига асосан, ақсилқиллобий махфий ташкилот тузганлигида ҳамда совет давлатига қарши қуроли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганлигида айбли, деб топилган. Улар Ўрта Осиёдан сургун қилиниб, мол-мулки мусодара этилган.

Бешинчидан. БДСБ доимий вакили қошидаги Учлик кенгашининг 1930 йил 19 мартдаги баёнига кўра, Сафаров Тоғай Амин ва бошқалар (жами 12 киши) ЎзССР Жиноят кодексининг 67 ва 78-моддаларига мувофиқ, ақсилқиллобий махфий ташкилот тузганлигида ҳамда совет давлатига қарши қуроли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганлигида айбли деб топилган ва оғир жазоларга дучор этилган.

Олтинчидан. РСФСР Олий Инқилобий Трибунали Туркистон Совет Республикаси Марказий Ижроия қўмитасининг 1921 йил 23 декабрдаги ҳукмига кўра, Шариф Ходжаев Садриддин Хон ва бошқалар (5 киши) ЎзССР Жиноят кодексининг 67 ва 78-моддаларига асосан, ақсилқиллобий махфий ташкилот тузганлигида ҳамда совет давлатига қарши қуроли қаршилик ҳаракатларида иштирок этганлигида айбли, деб топилган. Афсуски, уларни ҳам юқорида тилга олинган ва ҳамюртларимиз дучор этилган аччиқ қисмат ўзининг шафқатсиз қаърига тортган.

Барча айбланувчиларга нисбатан жиноят ишлари ҳужжатлари ўрганилганда, уларнинг айбдорлиги суд ҳукми билан аниқланмасдан туриб, судсиз жиноий жа-

вобгарликка тортилганини кўриш мумкин. Зеро, иш ҳужжатлари уларнинг ўз даврида ватан ҳимояси, юрт мустақиллиги, дини, эътиқоди, маданияти ва миллат гурури учун курашганликларини тасдиқлайди.

Шунингдек, дастлабки тергов даврида жиноят ишида айбланувчи тариқасида ўтган барча шахслар дастлаб айбловни инкор қилиб келган бўлсалар-да, ҳибса олинган, тайзиқлар остида айбларига иқдорлик кўрсатмаси берганликларини суроқ баённома-сида ҳам кўриш мумкин.

Бундан ташқари, уларни айбдор деб топишда, ишга тааллуқли бўлган ҳолатлар атрофлича ўрганилмасдан, текшириб чиқилмасдан ва баҳоланмасдан биргина иқдорлик кўрсатмаларига асосланган ҳолда ҳукм чиқарилган.

Иш ҳужжатларида эса, айрим айбдор шахслар фақат ўзбек тилини билиб, ўз кўрсатмаларини араб алифбосида ёзишган бўлсалар-да, тергов ҳаракатлари рус тилида олиб борилиб, гўёки уларнинг кўрсатмалари ўзбек тилига таржима қилинганлиги кўрсатиб ўтилган, холос.

Ҳўлбўки, жиноят ишини тергов қилган шахслар араб алифбосида ёзишни ҳамда рус тилини билганлигини тасдиқловчи бирон-бир далил мавжуд эмас. Жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб боришга масъул бўлган шахслар томонидан ишга таржимон жалб қилинмаган.

Юқоридаги айбдор шахсларнинг жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб боришдаги ўз она тилидан ёки таржимон хизматидан фойдаланган ҳолда кўрсатма бериш орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чеклаб қўйилган. Бу эса жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари бир ёқлама олиб боришларини кўрсатади.

Бундай ҳолатда Марказий Осиёдаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ) доимий вакили хузуридаги Учлик кенгашининг баёнини қонуний ва асосли деб бўлмади. Ўрганилган жиноят ишлари бўйича уларнинг айбдорлигига оид шубҳаларни бугунги кунга келиб, барта-раф этиш имконияти тугалган. Шу сабабли уларнинг жиноий ҳаракатлари таҳмин ва фаразларга асосланганлиги учун айби-ни исботловчи далил сифатида эътироф этиб бўлмади.

Муҳими, қанчадан-қанча Ватан фидо-ийларининг пок номлари тиланди. Қатағон этилган ҳар бир шахснинг “дело”лари синч-ковлик билан ўрганилди ва ўрганилмоқда. Шу билан бирга, мавзуга оид “Ҳасратта инган мактублар”, “Тарихнинг номалўлм саҳифалари” номли китоблар нашр этилди. Ўн тўрт жилдлик Хотира китоби нашрдан чиқиб арафасида.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг айни йўналишдаги оқилона ва жасоратли сиёсати туфайли, биринчи навбатда, барча махфий архивларнинг эшиклари тадқиқотчилар, олимлар, тарихчилар, ҳуқуқшунос ва мутахассислар учун кенг очилди. Мазкур соҳадаги архив ҳужжатлари наинки Тошкентда, балки бутун юртимизнинг олис ҳудудла-ридаги архив идораларида мавжуд экани аниқланди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер маркасида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 222.
18715 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Оффсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.**
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод Ғафоров
Мусахҳис: Малюхат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзиллими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқуни — 21:26 Топирилди — 22:35